

АҚШдаги Ал-Бухорий Ислом марказида хайрия тадбири ўтказилди



15:10 / 10.04.2022 1791

Жорий йилнинг 8 апрель куни АҚШдаги Ал-Бухорий Ислом марказида «Fundraising» хайрия тадбири бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирини Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов, Тошкент шаҳар «Убай ибн Каъб» жомеъ масжиди имом-хатиби, устоз Абдулҳаким домла Матқулов, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ, «Вақф» хайрия жамғармаси раҳбари Яҳё домла Абдурахмонов онлайн тарзда иштирок этдилар.

Тадбир Қуръони Карим тиловати билан бошланди ва устоз Абдулҳаким домла Матқулов дуолар қилиб бердилар.

Сўнгра устоз Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов АҚШда бўлиб ўтаётган тадбирда иштирок этаётганларидан мамнун эканларини айтиб ўтдилар. Устоз Аллоҳ таолонинг каломи ва Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган масжид қуриш нақадар катта ажр-савоб экани ҳақидаги ҳадисларни зикр қилиб, шарҳлаб бердилар.

Кейин «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ сўз олдилар. Исмоил домла вақф

хайрияси ҳақида маълумотлар бериб, бугунги тадбир ҳам шу асосда ташкил этилганини қайд этиб ўтдилар. Улуғ уламоларимизни, мужтаҳидларимизнинг камол топишларида вақфларнинг ўрни беқиёс бўлгани ҳақида ҳам таъкидлиб ўтдилар.

Онлайн хайрия тадбири жараёнида «Вақф» хайрия жамғармаси раҳбари Яҳё домла Абдурахмонов ҳам сўз олиб масжид ва мадрасалар барпо этиш, уларнинг дунё ва охирадаги мақоми ҳақида маълумотлар бериб ўтдилар.

Тадбир якунида устоз Муҳаммад Айюб домла онлайн тарзда ушбу тадбирни ташкиллаштирган, унга бош-қош бўлган ва хайрия қилганларни яна бир бор Рамазон ойи билан муборакбод этиб, дуолар қилдилар.